

Илмий марказлар ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди



18:09 / 21.10.2025 652

Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот маркази билан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид меморандум имзоланди.

Ушбу ҳужжат икки марказ ўртасидаги илмий ва маънавий алоқаларни мустаҳкамлаш, қўшма илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш, муштарак илмий-амалий лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда буюк аجدодларимиз — Баҳоуддин Нақшбанд ва Имом Бухорий меросини чуқур ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказишни мақсад қилади.

Ҳамкорлик натижасида икки марказ ўртасида илмий алмашинувлар, архив ва манбалар билан ишлаш, илмий анжуманлар ва конференциялар ўтказиш бўйича янги ташаббуслар амалга оширилиши кутилмоқда.